



ЖУМА МАВЪИЗАСИ
“20” январь, 2017 йил

Усмонхон АЛИМОВ
“21” Рабиус соний 1438х.й.

ТИЛ ОФАТЛАРИДАН САҚЛАНАЙЛИК

(ғийбат ва бўхтон мисолида)

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Мухтарам жамоат! Аллоҳ таоло бу борлиқни ҳақ билан яратиб, борлиқнинг энг мукаррам мавжудоти бўлмиш инсондан ҳаётини ҳақ ила олиб боришини талаб қилди. Фақат ҳақни гапиришга, фақат ҳаққа амал қилишга буюрди. Биз ушбу буйруқ ва қонун асосида яшасакгина саодатли бўламиз.

Бугунги жума суҳбатимиз тилнинг энг катта офатларидан ҳисобланган икки иллат – ғийбат ва бўхтон ҳақидадир. Инсоннинг бахтли ёки бахтсиз бўлишида тилнинг аҳамияти беқиёсдир. Шунинг учун шариатимиз тилни сақлашга ҳамда унга алоқадор бир қанча одобларга риоя қилишга буюрган.

Ислом нуқтаи назарида тил Аллоҳ таолонинг энг катта неъматларидан бири ҳисобланади. Тил – инсоннинг жисмонан кичик аммо масъулият ва вазифа жиҳатидан эътиборга молик аъзосидир. Шунинг учун ҳам Қуръони каримда Аллоҳ таоло уни миннат қилиб:

أَلَمْ نَجْعَلْ لَهُ عَيْنَيْنِ
أَوْ لِسَانًا وَشَفَتَيْنِ

яъни: «Ахир, Биз унга икки кўз, тил ва икки лаб пайдо қилмадикми?!» дейди. (Балад, 8-9 оятлар).

Шундай экан, тилнинг фойдаси билан бирга хатари ҳам жуда катта эканини унутмаслик лозим бўлади. Гапни тил гапиради-ю, лекин унинг аламини эса бошқа аъзолар тартади. Тилнинг хатаридан фақат яхши сўзни сўзлаш ҳамда сукут сақлаш билан нажот топиш мумкиндир. Шунинг учун шариатимиз сукут сақлаган кишини кўплаб жойларда мадҳ қилган ва сукут сақлашга тарғиб ҳам қилган. Ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ صَمَتَ نَجَا".

(رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ)

яъни, Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “**Ким сукут сақласа, нажот топади**”, дедилар”. Термизий ривоят қилган.

Банданинг қалби тўғри бўлиши учун ҳам унинг тили тўғри бўлиши ҳамда уни турли маънавий жиноятлардан сақлаши муҳим омил ҳисобланади. Ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا يَسْتَقِيمُ إِيْمَانُ عَبْدٍ حَتَّى يَسْتَقِيمَ قَلْبُهُ وَلَا يَسْتَقِيمَ قَلْبُهُ حَتَّى يَسْتَقِيمَ لِسَانُهُ وَلَا يَدْخُلُ رَجُلٌ الْجَنَّةَ لَا يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقَهُ.
(رَوَاهُ أَحْمَدُ)

яъни, Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллалллоху алайҳи васаллам: **“Банданинг қалби тўғри бўлмагунча, унинг имони тўғри бўлмайди. Уни тили тўғри бўлмагунча, қалби ҳам тўғри бўлмайди. Унинг ёмонликларидан қўшиниси омонда бўлмаган киши жаннатга кирмайди”**, дедилар”. Имом Аҳмад ривоят қилган.

Мухтарам жамоат! Мусулмон киши бошқа бир мусулмоннинг айбини кўрса, унинг обрўсини тўкмасдан, унинг ўзига ёлғиз ҳолида насихат қилиши лозим бўлади. Баъзи инсонларнинг “Мен ғийбат қилмаяпман, бу – ҳақиқат”, дейиши мутлақо нотўғридир. Аслида, бу ўринда ҳақиқатни гапиргани учун ғийбат ҳисобланади. Агар ҳақиқат бўлмаганида, тухмат – бўҳтон бўлар эди.

Ҳадиси шарифда ғийбат ва бўҳтон ҳақида шундай дейилган:

عن أبي هريرة رضي الله عنه أن رسول الله صلى الله عليه وسلم قال: «أَتَدْرُونَ مَا الْغِيْبَةُ؟»
قالوا: الله ورسوله أعلم، قال: «ذِكْرُكَ أَخَاكَ بِمَا يَكْرَهُ» قيل: أفرأيت إن كان في أخي ما أقول؟
قال: «إن كان فيه ما تقول، فقد اغتبتهُ، وإن لم يكن فيه ما تقول فقد بهتته». (رواه مسلم).

яъни, Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулulloх соллалллоху алайҳи васаллам: **“Ғийбат нима эканини биласизларми?”**, дедилар. Улар: **“Аллоҳ ва Унинг расули билувчироқдир”**, дейишди. Шунда у зот: **“Ўз биродарингни у ёқтирмайдиган нарса билан зикр қилишинг”**, дедилар. (Шунда:) **“Айтингчи, мен айтган нарса биродаримда бор бўлса-чи?”**, дейилди. У зот: **“Агар сен айтган нарса унда бор бўлса, уни ғийбат қилган бўласан, агар сен айтган нарса унда йўқ бўлса, унга бўҳтон (тухмат) қилган бўласан”**, дедилар”. Имом Муслим ривоят қилган.

Демак, бирор бир инсоннинг айбларини унинг йўқлида гапиришга ғийбат дейилар экан. Бу айблар унинг жасади, нафси, ахлоқи, қилган ишлари, айтган сўзлари, кийиниши, уйи, оиласи, болалари, ота-онаси, насл-насаби ва шу каби унга тегишли бўлган барча нарсаларга алоқадор бўлган айблардир. Мана шу айбларни унинг йўқлигида зикр қилиш ғийбат ҳисобланади.

Бирор кимса ҳақида ёлғон тўқиб гапиришга эса бўҳтон дейилади. Ғийбат – гуноҳи кабиралардан ҳисобланади. Имом Қуртубий раҳматуллоҳи алайҳ: **“Ғийбатнинг гуноҳи кабира эканида ихтилоф йўқдир, шунинг учун ғийбат қилган киши Аллоҳ азза ва жаллага тавба қилиши лозим”**, деган.

Шунингдек, баъзи инсонларни ғийбат қилиш бошқа инсонларни ғийбат қилишдан кўра гуноҳи янада оғирроқ бўлади. Яъни, Аллоҳ таолонинг дўстлари бўлган уламоларни ғийбат қилишнинг гуноҳи жуда ҳам оғир бўлгани учун баъзи ҳакимлар: **“Уламоларнинг гўшти захарлидир”**, дейишган. Ғийбат қилиш - ўлган биродарининг гўштини ейиш билан биробар бўлгани сабабли шундай дейилган. Ҳа, инсон захарланган гўштни еб ўлгани каби, уламоларни ғийбат қилган киши ҳам дунё ва охиратини барбод қилади. Шундай экан, уламоларга бўҳтон қилаётганлар ҳақида нима дейиш мумкин?!

Бўхтоннинг гуноҳи эса ғийбатнинг гуноҳидан ҳам катгароқдир. Чунки ғийбат бир инсондаги бор айбларни овоза қилиш бўлса, бўхтон у инсон айтмаган сўзлар ҳамда қилмаган ишларни унга нисбат бериб, тухмат қилишдир. Аллоҳ таоло бу ҳақда Куръони каримда шундай деган:

وَالَّذِينَ يُؤْذُونَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ بَغَيْرِ مَا اكْتَسَبُوا فَقَدِ احْتَمَلُوا بُهْتَانًا وَإِثْمًا مُّبِينًا ﴿٥٨﴾

яъни: «Мўмин ва мўминаларга қилмаган гуноҳлари билан озор берадиган кимсалар бўхтон ва аниқ гуноҳни ўзларига олган бўлурлар» (Ахзоб сураси, 58-оят)

Инсонларнинг обрўсига тегишнинг гуноҳи ҳақида ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عَنْ سَعِيدِ بْنِ زَيْدٍ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ «إِنَّ مِنْ أَرْبَى الرَّبَا الْإِسْطِطَالََةَ فِي عَرْضِ الْمُسْلِمِ بَغَيْرِ حَقٍّ». (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ)

яъни, Саид ибн Зайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *“Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Энг кўп (зарарли) бўлган судхўрликдан бири – мусулмоннинг обрўсига ноҳақдан тил теккизишдир”, дедилар”*.

Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай марҳамат қилган:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اجْتَنِبُوا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِثْمٌ وَلَا تَجَسَّسُوا وَلَا يَغْتَبَ بَعْضُكُم بَعْضًا أَيُحِبُّ أَحَدُكُمْ أَنْ يَأْكُلَ لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَّحِيمٌ ﴿٥٩﴾

яъни, “Эй, мўминлар! Кўп гумон(лар)дан четланингиз! Чунки баъзи гумон(лар) гуноҳдир. (Ўзгалар айбини қидириб) жосуслик қилмангиз ва бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин! Сизлардан бирор киши ўлган биродарининг гўштини ейишни хоҳлайдими?! Уни ёмон кўрасиз-ку, ахир! Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва раҳмли зотдир”. (Хужурот сураси, 12-оят)

Ушбу оятда Аллоҳ таоло “Эй, мўминлар!” деб, сиз ва бизга хитоб қилмоқда. Демак, комил мўминликни даъво қилар эканмиз, биз бундай гуноҳлардан – ғийбат ва бўхтондан сақланишимиз лозимдир. Акс ҳолда, бундай киши мўминлик мезонини бузиб, фосиқлик қилган бўлади.

Ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عن أنس رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «لَمَّا عُرِجَ بِي مَرَرْتُ بِقَوْمٍ لَهُمْ أَظْفَارٌ مِنْ نَحَاسٍ يَخْمِشُونَ بِهَا وُجُوهَهُمْ وَصُدُورَهُمْ فَقُلْتُ: مَنْ هَؤُلَاءِ يَا جَبْرِيلُ؟ قَالَ: هَؤُلَاءِ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ لُحُومَ النَّاسِ، وَيَقْعُونَ فِي أَعْرَاضِهِمْ!». (رواه أبو داود).

яъни, Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Меърожга чиққанимда, мисдан бўлган тирноқлар билан юзлари ва кўксиларини тирнаётган бир қавмнинг олдидан ўтдим. Шунда мен: “Эй Жаброил, булар кимлар?”, дедим. У: “Булар (дунёда) одамларнинг гўштларини еб, уларнинг обрўларини тўкадиганлар”, деди”* дедилар.

Бу ҳадис бизга ғийбатчининг қиёмат кунги ахволи нақадар аянчли эканидан дарак беради. Яна бир ҳадисда эса шундай дейилган:

عَنْ أَبِي بَرْزَةَ الْأَسْلَمِيِّ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «يَا مَعْشَرَ مَنْ آمَنَ بِلِسَانِهِ وَلَمْ يَدْخُلِ الْإِيمَانَ قَلْبَهُ لَا تَغْتَابُوا الْمُسْلِمِينَ وَلَا تَتَّبِعُوا عَوْرَاتِهِمْ فَإِنَّهُ مِنْ اتَّبَعَ عَوْرَاتِهِمْ يَتَّبِعِ اللَّهُ عَوْرَتَهُ وَمَنْ يَتَّبِعِ اللَّهُ عَوْرَتَهُ يَفْضَحْهُ فِي بَيْتِهِ». (رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ)

яъни, Абу Барза розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: *“Эй тили билан имон келтириб, қалбига эса имон кирмаганлар, (қалби билан имон келтирмаганлар) мусулмонларни ғийбат қилманг ва уларнинг айбини пойлаб-қидирманглар! Чунки ким уларнинг айбини қидирса, Аллоҳ таоло унинг айбини қидиради ва агарчи уйининг ичида (одамлардан махфий бўлса ҳам, уни ошкор қилиб,) шарманда қилади”, дедилар*”. Имом Абу Довуд ривоят қилган.

Ушбу ҳадисдан ғийбат қилиш мўминга нисбатан бегона ахлоқ экани ҳамда унинг имон нурини сўниши сабаб бўлиши маълум бўлади. Инсон борки, у жамият билан бирга яшайди. Жамият аъзоларидан ҳар бирининг ўз ҳурмат-эътибори бор. Агар жамиятда ғийбат захри сочилса, одамлар бир бирига бўҳтон тошини отишса, уларнинг ҳурмати поймол бўлади ва бунинг натижасида жамиятнинг тинчлиги бузилади.

Мухтарам жамоат! Аслида, ислом дини одамларнинг айбини очишга эмас, балки беркитишга буюрган. Бундан мақсад гуноҳлар тарқалишининг олдини олишдир. Чунки одамлар гуноҳлар ҳақида такрор-такрор эшитаверса, шу ишга уларнинг табиати ўрганиб қолади ва бунинг натижасида шу гуноҳларни оддий қабул қиладиган бўлиб қолишади.

Ислом динимиз одамларни бирдамликка тарғиб қилади. Ғийбат ва бўҳтон эса жамият аъзолари ўртасида ҳикду-ҳасад ва адоват уруғини сочади ҳамда ижтимоий алоқаларни заифлаштириб, бузиб юборади. Ҳатто баъзи ҳолатларда бу нарса турли фитна ва қон тўкилишгача олиб бориши мумкин.

Нафақат ғийбат қилишнинг ўзи ҳаром қилинган, балки ғийбатни тинглаш, ғийбат мажлисларида қатнашиш ҳам ман қилингандир. Аксинча, мусулмон кишининг бирорта биродари ғийбат қилинаётган бўлса, уни ҳимоя қилиши лозим бўлади. Ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عَنْ ابْنِ أُمِّ عَبْدِ يَقُولُ: مَنْ اغْتَيْبَ عِنْدَهُ مُؤْمِنٌ فَنَصَرَهُ جَزَاهُ اللَّهُ بِهَا خَيْرًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَ مَنْ اغْتَيْبَ عِنْدَهُ مُؤْمِنٌ فَلَمْ يَنْصُرْهُ جَزَاهُ اللَّهُ بِهَا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ شَرًّا... (رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ فِي الْأَدَبِ الْمُرَدِّ)

яъни, Ибн Умму Абд (Абдуллоҳ ибн Масъуд) розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: *“Кимнинг ҳузурида бир мўмин ғийбат қилинганда, уни ҳимоя қилса, Аллоҳ таоло бу сабабли, уни дунё ва охирада яхши мукофотлайди. Кимнинг ҳузурида бир мўмин ғийбат қилинганда, уни ҳимоя қилмаса, Аллоҳ таоло уни дунё ва охирада ёмон жазолайди”.* (Имом Бухорий ривояти).

Ғийбат қилувчи киши золим, ғийбат қилинган эса мазлум бўлади. Аллоҳ таоло қиёмат куни мазлумнинг ҳаққини золимдан олиб беради. Яъни, золимнинг савобидан мазлумга олиб берилади ёки мазлумнинг гуноҳларидан

золимга юклатилади. Банда қиёмат куни ўзининг дунёда қилган яхши амалларини ўзга кишининг номаи аъмолида, айниқса, дунёда ўзи ёқтирмай, ўзи ғийбат қилган кишининг номаи аъмолида кўриши қанчалар аянчлидир.

Мусулмон киши бундай маънавий жиноятлардан сақланиши лозимдир. Ҳадиси шарифда шундай дейилган:

عن عبد الله بن عمرو بن العاص رضي الله عنهما، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الْمُسْلِمُ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ...». (متفق عَلَيْهِ)

яъни, Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Мусулмон киши – мусулмонлар унинг тили ва қўлидан саломат бўлган кишидир”**, дедилар”.

Ушбу ҳадисда тилнинг озори қўлнинг озоридан аввал зикр қилинди. Бундан мурод – тилнинг озори қўлнинг озоридан кўра қаттиқроқ эканидир. Чунки тил бор одамга ҳам, йўқ одамга озор етказа олади. Шунингдек, тирик одамни ҳам вафот этганни ҳам зикр қила олади.

Ҳурматли жамоат! Биз ахборот алмашинув ўта жадаллашган даврда яшамоқдамиз. Афсуски, интернет ва бошқа ахборот тизимларида юртимизга бўхтон уюштираётганлар, уларнинг найрангига учиб юртимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришларни тухмат тоши отаётганлар ҳам бор. Биз мусулмонлар жамиятимиз - умматимизни бундай бухтонлардан асрашимиз лозим. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

إِنَّمَا يَفْتَرِي الْكَذِبَ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْكَاذِبُونَ

яъни: **“Ёлғон сўзларни фақат Аллоҳ оятларига иймон келтирмайдиганларгина тўқийдилар. Айнан ўшаларнинг ўзлари ёлғончилардир”**. (Нахл сураси 105-оят)

Аллоҳ таоло бизларни тил офатларидан бўлган, энг катта маънавий жиноятлардан ҳисобаланган ғийбат ва бўхтондан Ўзи асрасин!